
Риштон тумани Давлат хизматлари марказида юз берган ҳолат юзасидан расмий муносабат:

Ижтимоий тармоқларда «Ягона дарча»да одамлар сарсон-саргардон» деб номланган мақола эълон қилинганди.Мазкур ҳолат Риштон туман Давлат хизматлари марказида 2020 йилнинг 11 март куни соат 08:30 ларда юз берган. Фуқароларга давлат хизмати кўрсатиш учун яратилган "dxa.gov.uz" портали соат 09:00 дан кечки соат 20:00 га қадар ишлаётганлиги сабабли, марказ томонидан фуқароларга бу вақтда давлат хизмати кўрсатиш имкони бўлмаган. Мазкур ҳолат марказ ҳисоблаш техникаси оператори З.Эгамбердиева томонидан марказга келган мурожаатчиларга тушунтирилаётган вақтда видеотасвирга олинган.Эслатиб ўтамиз, давлат хизматлари марказлари томонидан мурожаатчиларга давлат хизмати кўрсатиш учун яратилган "dxa.gov.uz" портали қатъий тартибда соат 09:00 дан кечки соат 20:00 гача фаолият кўрсатади. Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-14 06:32:59